

Нефтьмаҳсулотларинисотишхақидаги

02/ 03 -сонли ШАРТНОМА

Фарғона шаҳри

2022 й. “6” 01

Кейинги ўринларда “Таъминотчи” деб аталувчи “Фарғона нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти номидан Низом асосида фаолият юритувчи директори в.в.б. А.А. Абдуганиев бир томондан ва “Истеъмолчи” деб **Шифо тез ёрдам Авто корхониси** Фарғона вилояти Фарғона (шаҳар)ида фаолият юритиб келаётган корхона номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари **А.Жўраев** томондан, ушбу шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “Таъминотчи” Республика хом ашё биржаси савдоларида ютиб олган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖнинг нефть маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли қарорига асосан ўтган ҳафтада биржа савдоларида шаклланган ўртача котировка нархларида “Истеъмолчи”га сотади.

1.2. “Таъминотчи” Республика хом ашё биржаси савдоларида ютиб олган Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖ ва бошқа ишлаб чиқарувчилар, шунингдек импортёрлардан сотиб олинган нефть маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли қарорига асосан биржа савдоларида сотиб олинган нарх устига ўзининг устамасини қўйиб “Истеъмолчи”га сотади.

1.3. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги нефтьмаҳсулотларини етказиб бериш, “Истеъмолчи” эса етказиб берилган нефть маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

2. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИСОБ–КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг тахминий умумий суммаси 35536700 сўм ниташкил қилади.

2.2. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг буюртмаси олинган кун сотилиши сўралган нефть маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қилади. “Истеъмолчи” мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефть маҳсулотлари партиясининг тегишли ҳажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни амалга оширади.

2.3. Сотиладиган нефть маҳсулотлари учун тўловлар “Таъминотчи”нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш, пластик карточкалар ва нақд пул шаклида амалга оширилади.

3. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефть маҳсулотлари “Таъминотчи”нинг омборидан ёки унга қарашли филиаллардан “Истеъмолчи”нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефть маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси тақдим этилганда сотилади.

3.2. Нефть маҳсулотлари “Истеъмолчи”га унинг сўровига асосан “Таъминотчи”нинг маҳсул автотранспортда белгиланган тартибда етказиб берилиши мумкин. Нефть маҳсулотларини шунингдек “Истеъмолчи” томонидан барча ёнғин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки

ижарага олинган махсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиш харажатлари қайта кўриб чиқилмайди

3.3. Нефтьмаҳсулотлари омборига нефтьмаҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари омбор ҳудудига киритилмайди ва уларга нефть маҳсулотларининг қуйилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситалари бўш кетган ҳолларда “Таъминотчи” жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефть маҳсулотлари қуйилган автоцистерналар (Истеъмолчи”нинг автотранпортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) “Истеъмолчи”нинг талабига биноан “Таъминотчи”нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефть маҳсулотлари миқдор бўйича қабул қилиш “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-7-сонли йуриқномалар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. “Истеъмолчи”нинг вакили нефть маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефть маҳсулотларини сотилганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар “Таъминотчи”нинг омборида ёки унга қарашли филиаллар дарасмиёлаштирилади ва уларни “Истеъмолчи” томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефть маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эгалик ҳуқуқи тасодифий нобуд бўлиши, нефтьмаҳсулотларига зиён етиш хавфи “Таъминотчи” омбори ёки АЁҚШ ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб “Истеъмолчи”га ўтади.

5. НЕФТЬМАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефть маҳсулотларини сотишни кафолатлайди. Сотилаётган нефтьмаҳсулотларининг сифати 1510- ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефтьмаҳсулотларини автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмиёлаштирилган ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефть маҳсулотларини олишда “Истеъмолчи” уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунига биноан жавобгар бўладилар.

6.2. “Таъминотчи” нефть маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун учун вақтида етказилмаган нефть маҳсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. “Таъминотчи” нефть маҳсулотлари сифатини ўз ҳисобидан тиклаб бериш билан бир қаторда “Истеъмолчи”га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефть маҳсулоти қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.4. “Истеъмолчи” белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун “Таъминотчи”га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.5. “Истеъмолчи” ўзининг ҳудудига олиб келинган нефть маҳсулотларини қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрларига тўлиқ амал қилинишига жавобгардир.

6.6. "Истеъмолчи" етказиб берилган нефть маҳсулотларини саклашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги конунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.7. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги конун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавкулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғокчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибда иктисодий судлар орқали ҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

8.4. Шартноматомонлар ўртасида имзоланган кундан кучга кирадива 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

"ТАЪМИНОТЧИ"

"Фарғона нефть базаси" МЧЖ

Манзили: Фарғона шаҳар

Тегирмон кўчаси 141-уй.

СҚБ Яшнобод филиали


х/р: 22604000800215485702

23210000300215485333

МФО: 00432

ИНН: 201104250

Рахбар:



А. Абдуганиев

М.ў

Фарғона "ШИФО ТЕЗ ЕРДАМ"
Автокорхониси
"ИСТЕЪМОЛЧИ"
Фарғона ш. Худойбердиева к-си, 24-уй
Шифо тез ёрдам Авто корхониси
Манзил: _____
_____ МДБ; Қўшма Банк Ташкент шаҳар ББ ХККМ
_____ СТИР: 204812365
_____ 51121
х/р: _____ 170765 1301054003
ИНН: _____ СТИР: 201122919
МФО: _____

Рахбар

А. Жўраев

М.ў

ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

Ушбу шартномалойихаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги Қонуни ва бошқа конун ҳужжатлари талабларига жавоб беради. Ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Юридик бўлим бошлиғи:

Н. Ахунташев